

ХII. ҚОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ


Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида 283 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2021 йил январь-март ҳолатига кўра)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
Ўзбекистон Республикаси	283	100,0	134320,3	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	20	7,1	4335,8	3,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	25	8,8	16321,2	12,2
Бухоро	9	3,2	18360,7	13,7
Жиззах	22	7,8	576,9	0,4
Қашқадарё	25	8,8	2144,1	1,6
Навоий	17	6,0	462,6	0,3
Наманган	15	5,3	2240,7	1,7
Самарқанд	16	5,7	26849,3	20,0
Сурхондарё	3	1,1	1471,9	1,1
Сирдарё	4	1,4	1245,9	0,9
Тошкент	38	13,4	5649,2	4,2
Фарғона	62	21,9	8657,9	6,5
Хоразм	14	4,9	9843,3	7,3
Тошкент ш.	13	4,6	27035,9	20,1
Агентлик марказий аппарати	-	-	9124,9	6,8

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Фарғона вилоятида – 62 та (21,9%), Тошкент вилоятида 38 та (13,4 %), Андижон вилоятида – 25 та (8,8%), Қашқадарё вилоятида – 25 та (8,8 %), Жиззах вилоятида – 22 та (7,8%), Қорақалпоғистон Республикаси – 20 та (7,1%), Навоий вилоятида – 17 та (6,0 %)ни ташкил этди.

**2021 йилнинг январь-мартида вазирлик ва идоралар
кесимида хусусийлаштирилган давлат
объектларининг таркиби (жамига нисбатан % да)**



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 219 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 77,4 % и), Давлат активларини бошқариш агентлигига – 42 та объект (14,8 %), Халқ таълими вазирлиги – 5 та (1,8 %), Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигига – 2 та объект (0,7%) тўғри келди.

2021 йилнинг январь-мартида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 134,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2021 йилнинг январь-мартида республика ҳудудлари
кесимида давлат мулкани сотишдан тушган
тушумлар таркиби (жамига нисбатан % да)**



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 20,1 % и), Самарқанд (20,0 %), Бухоро (13,7%), Андижон (12,2 %) Хоразм (7,3 %) ва Агентлик МА (6,8 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.


**Корхона ва объектларни
хусусийлаштириш**



➤ Давлат нотураар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2021 йилнинг январь-мартида объектларни ижарага бериш бўйича 10,2 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди.



➤ Натижада 2,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



➤ Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлар жами 36,2 млрд. сўмни ташкил этди.



➤ Ҳудудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 57,9 % и), Бухоро (5,7 %), Самарканд (5,2 %), Тошкент (4,9 %) ва Андижон (3,6 %) вилоятларига тўғри келди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари) – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

Харидор – қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

Инвестиция мажбурияти – инвестор томонидан инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

Ижтимоий мажбуриятлар – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкни сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

Аукцион – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкни сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очик ёки ёпик бўлиши мумкин.

Балансда сақловчи – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

Бошланғич нарх – ким ошди савдосига очик мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.